

## **БОҒЛОВЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ МАКОН МАЪНОСИНИ БИЛДИРУВЧИ СЎЗЛАРНИ БИРИКТИРИШДАГИ СЕМАНТИК ПАРАДИГМАСИ**

*Чирчиқ давлат педагогика университети катта уқитувчиси*

***T.T.Мансурова***

*t.mansurova@cspi.uz*

**Калит сузлар:** Макон кўринишларининг таснифи яна шуниси билан аҳамиятлики, тилда маконнинг турли кўринишлари ҳақида маълумот берувчи тил бирликлари мавжуд бўлиши мумкин. Маълум шароитларда "there is Y" модели модал гаплар билан "рақобатга киришади".

**Аннотация:** Инглиз тили грамматикасининг мураккаб конструкцияларидан бири – унда макон маъносини билдирувчи сўзларнинг турли семантик-синтактик уюшмаларда иштирок этиши ҳамда уларнинг бирикувида боғловчи ва боғловчи феълларнинг семантик-стилистик имкониятлари парадигмаларидир. Қўшимча белгиларнинг пайдо бўлиши фақат макон кўринишлари билан эмас, балки Y нинг тавсифи билан ҳам боғлиқ. Маълум шароитларда "there is Y" модели модал гаплар билан "рақобатга киришади".

**Ключевые слова:** Классификация пространственных представлений важна еще и потому, что язык может содержать лингвистические единицы, описывающие различные пространственные представления. При определенных условиях модель «есть Y» «конкурирует» с модальными предложениями.

**Аннотация:** Одной из сложных конструкций английской грамматики является участие пространственных слов в различных семантико-синтаксических ассоциациях и парадигмы семантико-стилистических возможностей соединения и связующих глаголов в их сочетании. Появление дополнительных персонажей связано не только с пространственными представлениями, но и с описанием Y. При

определенных условиях модель «есть Y» «конкурирует» с модальными предложениями.

Инглиз тили грамматикасининг мураккаб конструкцияларидан бири – унда макон маъносини билдирувчи сўзларнинг турли семантик-синтактик уюшмаларда иштирок этиши ҳамда уларнинг бирикувида боғловчи ва боғловчи феълларнинг семантик-стилистик имкониятлари парадигмаларидир. Бу борадаги тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида биз аввал маконнинг кўринишларини шакллантириш ҳамда уни тасвирлашда юзага келадиган айрим қўшимча белгиларни ушбу ишда ажратиш кўрсатамиз. Бу ўринда энг аввало макон турларининг таснифини таклиф қилиш муҳимдир, бу эса тадқиқотда "there is Y" конструкциясини қўллаш учун барча турли ҳолатларни қамраб олишга ва уларнинг ичидан умумий белгиларга боғлиқ бўлганларнигина ажратишга ёрдам беради. Макон кўринишларининг таснифи яна шуниси билан аҳамиятлики, тилда маконнинг турли кўринишлари ҳақида маълумот берувчи тил бирликлари мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, to exist феъли воқеликни воқеликка эга бўлмаган ҳақиқатга қарши қўйиш тўғрисида гап борганда қўлланилади. Бундан ташқари, ушбу феъл Y нинг тил, санъат, ҳайвонот олами каби маконнинг турларида, борлиги ҳақида маълумот узатиш учун қўлланилади, Масалан, объектнинг ижтимоий — ишлаб чиқариш тизимида борлиги тасвирланганда қўлланилмайди. Масалан: *He exists at Oxford*. "У (шахс) Оксфордда мавжуд" ёки *There exists a doctor at our factory*. "Сизнинг фабрикангизда шифокор мавжуд" дейиш мумкин эмас. Бундай гапларда to be феъли ишлатилиши керак эди. Қўшимча белгиларнинг пайдо бўлиши фақат макон кўринишлари билан эмас, балки Y нинг тавсифи билан ҳам боғлиқ. Маълум шароитларда "there is Y" модели модал гаплар билан "рақобатга киришади". Ушбу шароитлар қаторига аввало Y нинг тавсифи киради, айнан Y усулда, сабаб, восита кабиларни, истиқболдаги ҳаракатнинг амалга ошиши ёки ҳаракатнинг объекти бўлиши кераклигини намоён этиш — этмаслиги эътиборга олинади. Масалан, *There's no*

way for the writer to know *the balance of the relationship he's interfering with* (Barstow. *The watchers on the shore*)<sup>1</sup> "Ёзаётган (гап, аноним хат ёзиш) шароити ҳақида бораяпти ўзи аралашаётган муносабатларнинг ҳақиқий жиҳатини билмаслиги мумкин" ("ёзаётганнинг билиши учун усул йўқ") гапи иложи бўлмаган бирор нарса ҳақида маълумот берувчи модал гапларнинг қўлланиш доирасига "ёриб киради". Шундай экан, гапнинг у ёки бу турини танлаш нима билан боғлиқ деган масалада, унинг денотатив шароитини тушуниб етишда қайси жиҳатлар ёки маъноли, услубий, экспрессив, конфигуратив белгилар аниқлаши ҳам шу жумладандир.

Шундай қилиб, "there is Y" моделини тадқиқ қилишда нафақат мавжудлиги ҳақида гап бораётган макон турини, балки Y нинг тавсифини ҳам эътиборга олиш зарур. Кўп ҳолларда Y ни билдирувчи сўзнинг лексик маъносига мос келувчи тавсиф муҳим саналади, яъни Y нинг ҳиссиёт, ҳолат, тасаввур, вақт бўйича, ҳаракат, воқеа — ҳодиса бўйича жиҳатлар, предмет ва бошқа категорияларга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги муҳимдир. Шунингдек, дастурланадиган ҳаракат (масалан, reason "сабаб", way "усул", thing to be done "қилиниши керак бўлган нарса") ёки ҳаракат маҳсули; доимий ҳиссиёт ёки ҳис — туйғу ҳақида гап бориш — бормаслиги, вақтнинг маълум бир пайтида юзага келувчи ва йўқолувчи сезгининг у ёки бу омил бўлиб ҳисобланишини ҳам эътиборга олиш мумкин. Y нинг бирор турга тааллуқлилиги унинг бошқа турга ҳам тааллуқлигини инкор этмайди. Масалан, предметни тасвирловчи у бир вақтнинг ўзида ҳаракатнинг объекти бўлиб ҳам келиши мумкин. Y нинг тавсифи макон тавсифи билан ҳам мос келиши мумкин. There are people who are happy on their own (Stan Barstow. *The watchers on the shore*)<sup>2</sup> гапида "инсон"

синфида кишилар айрим турларининг мавжудлиги ҳақида гап боради. Бунинг натижасида доимо  $\bar{Y}$ ,  $\bar{S}$  ни аниқлаш етарли. Бирок  $S$  тавсифи ва  $Y$  тавсифи мутлақо турлича бўлиши мумкин.  $Y$  ва  $S$  турлари "there is  $Y$ " конструкциясининг алоҳида маъносини ажратиш учун муҳим бўлган ҳолатлардаги ишларда кўрсатилиши тушунарлидир. Маълумот узатувчиларнинг таъкидлашларича, кўриб чиқиладиган шароитларда "there is  $Y$ " модели оғзаки нутққа хос. Аксинча, бадиий нутқ шаклида эса тасвирланаётган нарсага жўшқинлик берувчи " $Y$  is prep.S" в $\bar{S}$  " $Y$  V prep.S" модел қўлланади. Тадқиқ қилинаётган конструкцияларни ўзаро алмаштириш имконияти тасвирий усулдагина юзага келмайди. Юқорида олиб борилган қисқа грамматик (морфологик+синтактик) модел тадқиқи шуни кўрсатадики, инглиз тилида боғловчилик вазифасини ҳам бажара оладиган "there is  $Y$ " модели оғзаки ва ёзма нутқда турли семантик-стилистик вазифаларни бажаради. Бундай конструкцияли матнлар моделлари тил бирликлари семантик парадигмасини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Инглиз тили доирасида олиб борилган қисқа назарий таҳлил доирасида бадиий, илмий нутқларнинг специфик ҳолатларида турли конструкцияли матнлар боғланишида морфологик тизимнинг ўзига хос кўринишлари боғловчи ва боғловчи феълларнинг ҳам маълум позицияларда турли шакл ва маъно имкониятлари борлигини кўрсатади. Бундай маъно ва шакл имкониятлари тилни янада ифодали, янада тўлиқ, ёрқин намоён бўлишига хизмат қилади. Тил конструкциялари таҳлили уларнинг турли позицион матний имкониятларини очиб беришга хизмат қилиши табиий. Бу борада инглиз тилидаги ёрдамчи сўзларнинг умумий лингвопоэтик имкониятлари таҳлили қизиқарли маълумотлар беради.

**Фойдаланилган адабиетлар:**

- 1.Н.Д. Арутюнова. Предложение и его смысл: логико-семантические проблемы. — М.: Наука, 1976. Стр-62.
2. С.Е. Eckersley. Essential English for Foreign students Book one. Foreign languages press. Sofia. 1967 у. 260-Р.
3. О.Я.Селиверстов. Труды по семантике. Москва- 2004 г. - 959 С.
4. Barstow, Stan. «The watchers on the shore». 1978 у. 248-Р
- 5.Ernest Hemingway. “The Old Man and the Sea” 1952 у. 100-Р.